



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 15 июль, сешанба, №72 (3573).

>>> Президент

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ МЎЎУЛИСТОН ХАЛҚИГА САМИИЙ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

KAZINFORM. «Бу байрам – Мўғулистон халқининг эзгулик, саховат ва анъаналарга садоқати рамзидир. Наадам – тарихни эслаш ва келажакни бунёд этиш ўртасидаги мустаҳкам кўприқдир. Мўғулистон халқининг тинчлиги, барқарорлиги ва бирдамлиги барқарор бўлсин», дейилади Давлат раҳбарининг кутловида.

Қозоғистон раҳбари табрик сўзида, шунингдек, икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик ва ўзаро ҳурмат асосидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга қатъий ишонч билдирди. Ушбу самимий мурожаат дўстлик ва қўшничиликнинг янги босқичига йўл очаётгани билан аҳамиятлидир.



«Наадам байрами, бу – мўғул халқининг ўтмишига садоқати, келажакка ишончи, бугунга шукронаси демакдир. Унинг шонли тарихи ва мазмун-моҳияти барча қардош халқлар учун ҳам қадридир. Қозоғистон халқи ҳам ушбу кутлуғ санада ўз қўшниси

ва дўсти – Мўғулистон халқини самимий муборакбод этади», дейилади табрик матнида.

Шунингдек, Қозоғистон раҳбари икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар, ўзаро ишонч ва стратегик шериклик йил сайин янада ривожланаётгани

тини мамнуният билан қайд этди. Табрик сўзида икки давлат ўртасидаги муносабатлар нафақат сиёсий ёки иқтисодий, балки умуминсоний қадриятлар, тарихий умумийлик ва маданий яқинлик асосида мустаҳкамланиб бораётгани уқтирилди.

Мазкур байрам муносабати билан билдирилган самимий тилаклар нафақат икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги алоқаларни, балки икки халқ ўртасидаги ишонч ва самимиятни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугун Қозоғистон ва Мўғулистоннинг ташқи сиёсатида ҳам ўзаро қўллаб-қувватлаш, минтақавий барқарорлиқни таъминлаш ва янги ҳамкорлик йўналишларини очиш каби эзгу мақсадлар мужассам.

Қисқаси, Наадам байрами муносабати билан билдирилган табрик – бу сўздаги расмий мулозамат эмас, балки қалблар софлиги ва халқлар бирдамлигининг ёрқин ифодасидир.

САЙРАМ ТУМАНИ: САЛОҲИЯТ ЮКСАК, МАСЪУЛИЯТ УСТУВОР

Туркистон вилояти – азалдан маърифат ва меҳнат аҳли жойлашган муқаддас замин. Унинг кўҳна замини Сайрам тумани эса бугун юртимиз иқтисодий тараққиётининг муҳим нуқталаридан бирига айланмоқда. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, ҳар бир минтақанинг ички имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш – стратегик вазифалардандир. Ана шу руҳда Туркистон вилояти ҳоқими Нуралхан Кўшеровнинг Сайрам туманига хизмат сафари халқ юрагида катта таассурот қолдирди.

Бу сафар оддий ташриф эмас, балки, туманининг ички салоҳиятини юзага чиқариш, ҳудудни янада жадал ривожлантириш учун белгиланган аниқ вазифаларни амалга оширишга қаратилган манзилли ва амалий ташаббуслар марказида турди.



РАҚАМЛАР ОРТИДА – ХАЛҚ МАНФААТИ

Туман фаоллари билан учрашув чоғида вилоят ҳоқими йўлларни таъмирлаш, сармоя жалб қилиш, солиқ тизимидаги камчиликларни бартараф этиш, маҳаллий лойиҳаларни амалга ошириш каби муҳим масалаларни кескин танқидий руҳда муҳокама қилди.

– Иқтисодни ранг-баранглаштириш ва ҳар бир жабҳада аниқ натижалар берувчи лойиҳаларни амалга ошириш – бугунги куннинг талаби. Давлат томонидан ҳар томонлама

ёрдам кўрсатилаяпти. Худудлардаги раҳбарлар ушбу имкониятлардан самарали фойдаланишлари керак, – деди Нуралхан Кўшеров.

Туман ҳоқими Арман Сабитов ўз ҳисоботида амалга оширилган ишлар, эркин иқтисодий минтақа, қишлоқ хўжалиги, саноат ва сармоявий лойиҳалардаги ютуқларга тўхталиб, камчиликларни очик тан олди. Мулоқот чоғида вилоятнинг турли соҳа раҳбарлари ҳам сўзга чиқиб, ўз йўналишлари бўйича режаларнинг ижроси юзасидан ҳисобот бердилар.

Беш ойлик натижаларга қараганда, туманининг умумий минтақавий маҳсулоти 113,9 миллиард тенгени ташкил этган, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32,6 фоизга ўсган. Қишлоқ хўжалигида 5 ой ичида 37,5 миллиард тенгелик маҳсулот етиштирилди. Шунингдек, шу муддатда 14,9 минг тонна гўшт ва 71,8 минг тонна сўт ишлаб чиқарилган. Йил охирига қадар агроиқтисодиёт салоҳиятини 160 миллиард тенгеге етказиш мақсад қилинган. Бу эса халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги мустаҳкам пойдевордир.

Сармоя соҳасида эса янада кескин ўсиш кузатилди – 29,2 миллиард тенге. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан икки ярим баравар кўп. Эътиборлиси, жалб этилган сармояларнинг 73,6 фоизи хусусий салоҳият ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса, давлат билан бизнес ўртасидаги ишончли ҳамкорлик замин қуриб улгурганини англатади.

МАЪЛУМОТ ЭМАС, МАСЪУЛИЯТ

Йиғилиш якунида вилоят ҳоқими барча масъулларга қатъий топшириқлар берди. Хусусан, 10 кун муддатда ҳар бир қишлоқ ва туман миқёсида 2025 йилга мўлжалланган лойиҳалар бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу ҳужжатлар ҳар бир раҳбарнинг халқ олдидаги ҳисоб-китобини белгилаб беради.

“Тоza Қозоғистон” дастури доирасида ҳам вилоят раҳбари томонидан аниқ кўрсатмалар берилди. Ушбу дастур халқ саломатлиги ва муҳит мусоффолиги учун муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда) >

>>> Қозоғистон халқи
Ассамблеясига –
30 йил

УМРИМИЗ БОҚИЙДИР, УМРИМИЗ БОҚИЙ



*Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.*

Ғафур ҒУЛОМ.

Истиқлол йилларида халқимизнинг уюшқоқлик жиҳати бардавомлик касб этиб, жипслиги кучайди. Бу эса, қозоғистонликлар тафаккури даражаси юксалганини, онгу-шуури тўғри йўналиш олганини кўрсатувчи энг катта муваффақиятимиздир, десак бўлади. Бу борада эришилаётган муваффақиятлар марказида, албатта, Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг сиёсати ва ташаббуслари турибди. Айниқса, унинг бевосита раҳнамолигида фаолият юритаётган Қозоғистон халқи Ассамблеяси мамлакатимизда дўстлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамловчи ягона майдон, эзгу ғоялар бағрига айланди. Шу боис бугун Қозоғистонда тинчлик ҳукмрон, юрт осмони мусоффо, эл-юртимизда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат устувор. Бу ҳолат тасодиф эмас. Бу – турли миллат вакиллари дунёнинг турли бурчакларидан келиб, муқаддас юртни ўз Ватани деб билган халқларнинг қўлма-қўл, елкама-елка яшашга бўлган иродасининг мевасидир. Шу маънода, Қозоғистон халқи Ассамблеяси давлатимизда миллатлараро тотувлик ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлашда бетақрор ва ўзига хос тузилма сифатида юксак мисол бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимиз раҳнамолигидаги сиёсий етуқлик ва халқпарвар ёндашув туфайли ассамблея нафақат миллатлар ўртасидаги дўстлиқни, балки юрт тинчлиги ва фуқаролар бирдамлигини таъминловчи муҳим дастурга айланди. Ассамблея фаолияти – халқлар бирлиги ғоясининг амалий ифодаси, умуминсоний қадриятларнинг мустаҳкам устунидир.



Ассамблея ҳар йили ўтказадиган сессиялар, илмий-амалий анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар орқали мамлакатимизнинг барча бурчакларида тотувлик ва бағрикенглик маданиятини кенг тарғиб этмоқда. Бу тузилма орқали турли миллат вакиллари ўртасидаги муносабатлар нафақат сақланиб қолмоқда, балки янги босқичга кўтарилмоқда.

Бугун Қозоғистондаги ҳар бир миллий маданият уйи, ҳар бир тилни ўргатувчи марказ, ҳар бир этник жамиятнинг фаолияти ассамблея ғоялари асосида ривожланмоқда. Ушбу тузилма доирасида юртимиздаги барча миллатлар ўз миллий маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини эркин равишда асраб-авайлаб, ривожлантириш имконига эга.

Ассамблея нафақат маданий жараёнлар, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол иштирок этмоқда. Турли даражадаги сайловларда, жамоатчилик кенгашларида, давлат ва нодавлат лойиҳаларида ассамблея аъзолари фаол рол ўйнамоқда. Бу эса Қозоғистонда миллатлар ўртасидаги ишонч мустаҳкам эканлигини яна бир бор исботлайди.

Қисқаси, Қозоғистон халқи Ассамблеяси – бу халқимиз учун юксак маънавий мактаб, тинчлик ва барқарорлиқнинг устуни, келажак тараққиётнинг муҳим кафолатидир. Ассамблеянинг соф мақсадлари ва халқпарвар вазифалари нафақат бугун, балки эртанги кунда ҳам юртни бирлаштирувчи, миллатларни яқинлаштирувчи муқаддас маскан бўлиб қолаверади.

Бу ўринда, шуни алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, Президентимиз томонидан ўртага қўйилган боқий эл шиори халқимиз тафаккури тарзини тўғри йўналишга солиб юборди. Бу шиор бoshқа барча шиорларга етакчилик қилмоқда.

Боқий эл барпо этиш шиори билан истиқлол ғояси мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-бирига монанддир. Бири мақсад, иккинчиси эса ғоядир. Мақсад билан ғоя бир-бирига уйғун. Мустақиллиқни қўлга киритишдан асл муддао ҳам боқий давлат барпо этиш эди-да! Эндиликда, ана шу мақсад янада аниқлашиб, амалга ошиб бормоқда. Бунда истиқлол ғояси йўлимизни ёритиб, йўлбошчилик қилмоқда, тафаккурий асос ва омил бўлмоқда.

Боқий давлат қураётганимизга халқимиз қомил ишонч ҳосил қилгани тафаккур тарзимиздаги биринчи ва бош қиррадир.

Тафаккур тарзимиздаги иккинчи қирра шуки, бугун мамлакат миқёсида ҳам, ҳар бир оила мисолида ҳам мустақил яшашга одатлана бошладик. Мустақил давлатнинг фуқароси бўлишнинг афзалликлари кўп. Шу билан бирга, масъулияти ҳам мавжуд, албатта. Бу масъулият мустақиллик инъом этган ижтимоий-сиёсий ҳурлик ва эркинликларга, моддий ва маънавий неъматларга жавобан Ватан, давлат ва халқ олдидаги бурчни сидқидилдан ўташ вазифасини зиммамизга юклайди. Ўқтин-ўқтин ўйга толаман, ўзимга-ўзим ҳисоб берман: “Истиқлол менга нималар берди-ю, мен унга нима қайтардим? Олганим кўп эмасмикин?” Шундай саволни барча ақли расо фуқароларимиз ўз-ўзларига бериб кўрсалар қанийди, деган ўй хаёлимдан ўтади.

(Давоми 2-бетда) >

САЙРАМ ТУМАНИ: САЛОҲИЯТ ЮКСАК, МАСЪУЛИЯТ УСТУВОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЗАМОНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ВА ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Янги Қозоғистоннинг янги қадамлари, янги лойиҳалари нафақат шаҳарлар, балки қишлоқлар ҳаётида ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Юрт тараққиётининг яна бир ёрқин ифодаси – Сайрам туманида замонавий чорвачилик ва қайта ишлаш саноати йўналишида амалга оширилаётган улкан лойиҳалардир. Бу каби янгиланишлар жойларда фақат иқтисодий кўрсаткичларни эмас, балки халқ ҳаёти сифатини ҳам сезиларли даражада ўзгартирмоқда.

Айнан ана шундай замонавий ва йирик лойиҳалардан бири – “KAZ ECO MEAT” МЧБ томонидан барпо этилган, 5000 бош қорамолга мўлжалланган бўрдоқчилик



мажмуаси ҳамда юқори андазаларга мос бўлган комбинатидир. Унинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров шахсан иштирок этиб, имкониятлардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Ушбу мажмуа шунчаки чорвачилик майдони эмас, балки юқори технологияларга асосланган, қолдиқсиз ишлаб чиқариш тамойилида қурилган замонавий комбинатдир. Бутунлай янги шаклдаги, халқаро талабларга мос иншоотда йилига 10 минг тонна гўшт қайта ишланиши режалаштирилган. Бу эса фақат ички бозор учун эмас, балки ташқи бозор учун ҳам муҳим қадамдир.

Лойиҳа қиймати 8,5 миллиард тенге. Янги мажмуада 100 киши доимий иш билан таъминланади. Бу нафақат саноат салоҳиятини юксалтиради, балки чорвадорлар учун ҳам янги бозор эшикларини очади.

Бундай юқори технологияли иншоотларда нафақат гўшт, балки унинг барча таркибий қисмлари – қон, суяк ва бошқа маҳсулотлар ҳам қайта ишланади. Бу – захираларни тўлиқ ва самарали фойдаланишга хизмат қилади.

ИККИНЧИ ҚАДАМ: ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ОЗУҚА ЗАВОДИ

Иқтисодий занжирдаги яна бир муҳим бўғин – бу “NURYM GROUP” МЧБ томонидан Манкент қишлоғида барпо этилган замонавий озуқа заводидир. Бу корхона нафақат юқори сифатли омухта ем маҳсулотлари ишлаб чиқаради, балки маҳаллий чорвачиликнинг самарадорлигини ҳам кескин оширади.



Завод соатига 20 тонна озуқа ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотлар замонавий лабораторияда синовдан ўтиб, қатъий андазалар асосида ишлаб чиқарилади. Ушбу лойиҳа ҳам тўлиқ хусусий маблағ эвазига амалга оширилган, 12 одам иш билан таъминланган.

ИННОВАЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛ

Ҳар икки лойиҳа – ҳам бўрдоқчилик мажмуаси, ҳам озуқа заводи – мамлакатимиздаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Сайрам туманида бундай замонавий саноат иншоотларининг юзага келиши – мамлакат қишлоқ хў-

жалигининг янги босқичга кўтарилиши учун янги имкониятлар эшигини очади.

Вилоят ҳокими ушбу лойиҳаларни юксак баҳолаб, мутасадди шахсларга экспорт ҳажмини ошириш, иш сифати ва самарадорлигини доимий назорат қилиш ҳақида қатъий кўрсатмалар берди.

Сайрам туманида амалга оширилаётган бу каби ислохотлар, лойиҳалар ва қурилишлар – бугунги кунда Қозоғистон қишлоқларининг ҳам тараққиёт сари одимлаётганининг ёрқин ифодасидир.

Янги саноат мажмуалари, иш ўринлари, экспорт салоҳияти – буларнинг барчаси халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Туманда юзага келаётган бу ўзгаришлар – Янги Қозоғистоннинг чин моҳиятини намойён этаётган мисоллардир.

СПОРТ РУҲИ – ЗАМОН НАФАСИДА

Қорасув қишлоғида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди

– Сайрам тумани – қадимдан улуг инсонлар, сермаҳсул меҳнат ва ҳалол тирикчилик макони сифатида ном қозонган диёр. Унинг бугунги зафарли одимлари, айниқса, ёш авлод учун яратилаётган имкониятлар, истиқлол берган эркин нафас каби элни жипслаштирмоқда, юракларга юксак ишонч бахш этмоқда. Ушбу фикримизнинг ёрқин исботи сифатида, Қорасув қишлоғидаги замонавий спорт мажмуасининг очилиш маросимида вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеровнинг шахсан иштирок этиб, халқ билан биргаликда тантанали лаҳзаларни баҳам кўрганини алоҳида таъкидлаш ўринли, – деди туман ҳокими ўринбосари Сержан Дуйсебаев.



– Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий иншоотлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бу – халқ учун яратилаётган ҳаёт-бахш имкониятларнинг амалдаги ифодасидир. Туманда қурилган янги спорт мажмуаси айнан ана шундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг намунаси бўлади, – деди вилоят ҳокими.

Мажмуанинг очилиш маросимида сўз олган қишлоқ оқсоқоли Абдураззақ Байназар ва Қозоғистон Республикасининг хизмат кўрсатган мураббийи, машҳур бокс устози Мурат Айтжанов Президентимиз ҳамда Хукуматга миннатдорчилик билдиришди.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу икки қаватли спорт иншооти замонавий анда-

залар асосида барпо этилган, унинг умумий майдони 646 квадрат метрни ташкил этади. Мажмуада кенг ва ёруғ спорт заллари, машғулот хоналари мавжуд бўлиб, гандбол, баскетбол, волейбол, кураш, бокс, гимнастика, енгил ва оғир атлетика турлари билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Ушбу маскан нафақат соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, балки спорт орқали ватанпарварлик, интизом ва матонат туйғулларини шакллантиришга хизмат қилади. Сайрам энди соғлом авлод маскани сифатида ҳам танилаверади!

ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИ – ҲАР БИР ХОНАДОНДА

Сайрамда 32 оила янги хонадонга эга бўлди

Янги уй – янги умид. Янги дарвоза – янги бахт эшиги. Сайрамда бу эшик яна 32 оила учун очилди.

Сайрам туманида бунёдкорлик тадбирлари тинимсиз давом этмоқда. Ана шундай қувончли лаҳзалардан бири – Оқсувкент қишлоғида қурилган 80 хоналик кўп қаватли уйнинг 32та хонадонини ўз эгаларига топшириш маросими бўлди.

Ушбу шодиёнада вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров шахсан иштирок этиб, самимий тилакларини изҳор этди.

– Бугунги кунимиз – инсонпарвар давлат барпо этиш йўлидаги қатъий қадамларимиздан биридир. Бу уйлار – халқимиз фаровонлиги учун қилинаётган амалий ишларнинг ифодасидир. Ҳар бир хонадонда тинчлик, осуда ҳаёт ва болалар қувончи бардавом бўлсин! – деди минтақа раҳбари.

Ушбу хонадонлар ижара асосида, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар – кўп болали ва тўлиқ бўлмаган оилалар, ногиронлар, эҳтиёжманд қатлам ва етим болаларга берилди.

Янги турар жой 1,1 гектар майдонда қад ростлаган. Икки қаватли 6та уйдан иборат ушбу мажмуада 1 хонали 20та, 2 хонали 40та ва 3 хонали 20та квартира мавжуд.

Айни пайтда вилоятда 69 минг фуқаро турар жой навбатига турса, уларнинг 4 251 нафари – Сайрам тумани аҳолисидир. Шу боис, туманда бунёдкорлик ишлари бир дақиқа ҳам тўхтамайди.

Чунки ҳар бир хонадонда янги умид, янги ҳаёт бошланади. Давлат томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли уй-жой сиёсати натижасида ҳозирги кунда вилоят маркази ва туманлардаги кўплаб фуқаролар ўз уйига эга бўлмоқда.

– Вилоят ҳокимининг ташрифи – барчамизга юксак масъулият, шу билан бирга, улкан ишонч ҳамдир, – дейди туман ҳокимининг ўринбосари Сержан Дуйсебаев. – Қорасув қишлоғида замонавий спорт мажмуасининг тантанали очилиши, янгиланган йўللар, ишга туширилаётган ижтимоий иншоотлар, халқимизга тақдим этилаётган уй-жойлар – буларнинг барчаси Сайрам туманида юз бераётган улкан ўзгаришлар силсиласидир. Бу – Президентимиз юри таётган халқпарвар сиёсатнинг вилоятимиздаги ёрқин ифодаси, шу йўлда раҳбарлик қилаётган Нуралхан Ўралбайулининг амалий саъй-ҳаракатлари ифодасидир.

Авазхон АБДУФАТТОВ.

УМРИМИЗ БОҚИЙДИР, УМРИМИЗ БОҚИЙ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Учинчидан, мулкка, мулкдорликка ва умуман, бойликка, бой-бадавлат бўлишга муносабат ўзгарди. Бунинг ижобий ва салбий жиҳатлари бор, албатта. Текисчилик, одмигина турмуш кечириш асосий турмуш тарзи сифатида зўр бериб улуғланган ва тарғиб-ташвиқ қилинган шўролар замонида бой одамга нисбатан эксплуататор сифатида ўғай кўз билан қараларди. Эндиликда, фуқаролари бой-бадавлат мамлакатнинг ўзи ҳам қудратли бўлиши тан олинди, мулкдорлар синфини шакллантириш давлат сиорларидан бирига айланди. Бой-бадавлат бўлиш, мол-мулк эгаси бўлиш бошқа нарсаю, молпарастлик яна бошқа жиҳат.

Пул топиб ақл топмаган, вақт ўтиши билан ўтмас матоҳга айланиб қоладиган бисот йиғувчилар ҳам, ортиқча маблағини банкларга қўйиб, фоизини олаётганлар ҳам, пойдевори мустаҳкам, асрларгача етиб борадиган гиштин иморат қураётганлар ҳам бор, ҳақлобдан топиб, эзгу ишларга сарфлаш жамиятимизнинг моддий сиорларидан бўлиб қолди.

Биринчидан, билимга, билим олишга муносабат ўзгарди. Бунинг ҳам ижобий ва салбий томонлари бор. Ҳуқуқий, иқтисодий билимлар, чет тилларни ўрганиш бозори чаққон соҳалар бўлиб қолди. Математика, физика, кимё, маъданшунослик, кибернетика каби оғир қарвон, самараси кейинроқ кўринадиган туб, аниқ билимларни ўрганишга бел боғлаётган ёшларимиз нисбатан озроқ.

Туб, аниқ фан соҳалари бўйича аспирантларга ажратилган ўринлар тўлмай қолаётир. Гуманитар фанларда ҳам аҳвол юксак даражада эмас. Масалан, педагогика бўйича ўнлаб фан докторлигига диссертациялар ёқлангани ҳолда, руҳиятшунослик орқада қолмоқда.

Иккинчидан, спортга муносабат тубдан ўзгарди. Истиқлол шарофати билан спортимиз ўзини ёрқин танита бошлади.

Истиқлол йилларида спорт равнақида давлат аҳамиятига молик иш, деб қаралмоқда. Қозоқ курашини дунё тан олди, айни пайтда, курашимиз халқимизни жаҳонга танитди. Истиқлол йилларида Сидней ва Афинада ўтган олимпиада мусобақаларида спортчиларимиз фаол қатнашиб, бир неча олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди ва ҳоказо.

Учинчидан, хотин-қизларга муносабат ҳам ўзгарди. Оилада ҳам, жамиятда ҳам уларнинг фаоллиги нисбатан кучайди. Тирикчилик ўтказиш бобида эр-хотин бир сафда бўлиб қолди. Бозор иқтисодиёти ҳаммани ҳаракатга келтириб қўйди, ўриндошлик бўйича бир қанча жойда ишловчилар кўпаймоқда. Ишламасанг – тишламайсан, деган халқ мақоли исботини топмоқда. Бироқ, оиланинг моддий таъминотини буткул аёли зиммасига юклаб қўяётган айрим замондошларимиз ҳам йўқ эмас. Маълумки, эркак киши оила соҳиби ҳисобланади. Бу дегани оилани моддий таъминлашда эркак кишининг улуши кам бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, соҳиблик мавқеига пугур етади.

Тўртинчидан, хунарманднинг жамиятдаги обрўйи ошди, қадри тикланмоқда. Натижада, бирор хунар эгаси бўлишга интилувчи ёшлар сафи кенгайиб, хунармандчиликнинг унутилаётган турлари ҳам равнақ топа бошлади. Бу ҳол, айниқса, аҳолини иш билан мунтазам таъминлаб боришда, қасаначиликни кенг ёйишда қўл келмоқда. Хунармандчиликда асосан ота-бобо касбини тутиш қадимий анъаналаримиздандир.

Бешинчидан, йирик тадбирлар нафақат пойтахтимизда, балки вилоят марказларида, ҳаттоки, туманларда ҳам ўтказилмоқда. Бу эса, бутун мамлакатимизнинг, барча халқимизнинг бирдек ривож топишига омил бўлмоқда. Тадбирларнинг турли жойларда ўтказилаётгани халқимиз тафаккуридаги фуқаролик масъулияти туйғусини бойитмоқда.

Ёшларни тўғри йўлга бошлашда панд-насиҳат билан кифояланиб бўлмайди. Эзгуликни, юртпарварликни, инсоний ғазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар қилиш керак. Ана шундай амалий тарбия омилларидан бири театрдыр. Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни сахнага олиб чиқиши зарур.

Фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган замонавий қаҳрамонлар образини яратиш зарур.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари беш баравар кўпайди. Иқтисодий юксалиш натижасида, турмуш даражаси сезиларли равишда яхшилانган – оналар ва болалар ўлими камайган, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 75 (!) ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриш даражаси 79 ёшга, эркакларда – 71 ёшга етган.

Атрофлича ўйлаб кўрсак, инсон умридан ортиқ бойлик йўқдир. Бу бахт-саодат, демек! Ана шу бахт-саодат тўфайли ҳам диёримизда бағри бутунлик барқарордир.

Бағри бутунлик нима ўзи? Бағри бутунлик фарзандлардан тортиб, неварачевара кўриш ёшигача яшаш – узоқ умр кўриб, пири бадавлат бобо ва бувилар бўлиш. Узоқ ва соғлом умр кўрмай туриб, бунга эришиб бўлмайди.

Мамлакатимиз аҳолиси 2025 йилда 20 370 672 кишига етди.

Демак, умримиз боқийдир, боқий! Маълумки, сўнгги йилларда дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетди, ишлаб чиқариш сусайди. Бизнинг юртимизда эса ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда. Жорий йилда эришилаётган натижалар ҳам бу режага эришилишидан далолат бермоқда.

Ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда қўлга киритган ютуқларимиз жаҳондаги тараққий этган ва ривожланиш йўлига кирган мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жорий йил Қозоғистон халқи Ассамблеяси учун унутилмас тарихий сана – тузилманинг таъсис этилганига 30 йил тўлди. Бу муборак айём айни кунларда юртимиз бўйлаб кенг нишонланиб, мамлакатимиздаги ҳар бир миллат ва элат вакили уни ўз байрами сифатида тантана қилмоқда. Бу сана – нафақат бир тузилманинг, балки халқлар ўртасидаги дўстлик ва тотувлик маданиятининг, умуммиллий ҳамжиҳатлик ғоясининг мустаҳкам пойдеворга айланганининг ёрқин ифодасидир.

А. БҶОҢБОВЕВ.

»» Адолат мезони

СУД ЭМАС, КОМИССИЯ: ЕЧИМ АДОЛАТДА

Қишлоқ хўжалиги ерларига оид муаммолар – бугунги куннинг долзарб мавзуси. Шу мавзуга оид Туркистон вилоят тадбиркорлар палатасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш бўлими бошлиғи Нурсултан КАРИМБАЕВнинг суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Маълумки, нафақат Туркистон вилоятида, балки бутун Қозоғистонда фойдаланилмай, бўш ётган қишлоқ хўжалиги ерлари жиддий муаммо ҳисобланади. Сўнгги ўттиз йиллик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Қозоғистон каби улкан ҳудудли мамлакатда қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш даражаси қониқарли эмас. Миллионлаб гектар ерлар хусусий қўлларда бўлса-да, амалда улар ишлатилмаяпти. Ишлатилмай ётган ерлар давлат тасарруфига қайтариляпти, лекин муаммо тўлиқ ҳал қилинмади. Бу ҳолат нафақат иқтисодий, балки ижтимоий хавфга ҳам айланмоқда.

Туркистон вилоятида суғориладиган ерларнинг етишмаслиги ва яйловлар муаммоси қишлоқ хўжалигининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қурғоқчилик туфайли эса ҳосилнинг баракаси кетиб, деҳқонлар катта йўқотишларга мубтало бўлмоқда.

Вилоят ҳокимлиги фойдаланилмаётган ерларни давлат мулкига қайтариш устида фаол ишламоқда.

Лекин... виждонан ишлайдиган тадбиркор(деҳқон)нинг ерини тортиб олиш адолатданми? Қишлоқ хўжалиги ерлари юзасидан бахс-тортишувлар қачон тугайди? Бу масалада давлат қандай йўл тутмоқда? Суҳбатдошимиз бу саволларга ўз ваколати даражасида жавоб беришга ҳаракат қилди.

– 1991 йилдан 2021 йилгача қишлоқ хўжалиги ерлари соҳасидаги ўзгаришлар таҳлили ўтказилиб, унда майдонлар кескин камайганлиги ва захира ерлар майдони сезиларли даражада ошганлиги аниқланди. Ердан барқарор фойдаланиш тамойилларига риоя қилиш – қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилidir. Лекин ушбу масалани ўрганишда ёки уни ҳал қилишда мураккаб тизим мавжуд. Бу фақат мутахассислар иши эмас, балки унинг моҳиятини очиб бериш учун олимлар ҳам жалб этилган, яъни тизимли-таҳлилий усуллар, шунингдек, минтақадаги қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари динамикаси ва қишлоқ хўжалигидан фойдаланиш ҳолатини акс эттирувчи статистик таҳлил усулларидан қўлланилмоқда.

Натижалар шарофати ўлароқ, Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев 2024 йилги Мақтубида ер масаласига алоҳида эътибор қаратди. У: “Ер қишлоқ хўжалигига сармоя жалб қилишнинг асосий кафолатидир. Ноқонуний олиб қўйилган ва фойдаланилмай ётган ерлар давлатга қайтарилиши керак. Бу – адолат тамойилидир. Лекин ерда меҳнат қилаётган, ҳалол деҳқоннинг мулки тортиб олинишига йўл қўйилмаслиги керак”, деди. Табиийки, бу талаблар бизга, яъни, маҳаллий ижро этувчи идораларга ва соҳани созловчи тузилмаларга улкан масъулият юклайди. Қолаверса, бу адолатли Қозоғистонни барпо этишдаги аниқ қадамлардан бири.

– Амалда бу масала қай тарзда ҳал этиляпти?

– Юқорида айтилганидек, ва тажриба кўрсатганидек, бу йўналишда ҳали кўп ишлашимизга тўғри келади. Туркистон вилоятида охириги вақтда бу борада суд ишлари кўпайди. Туркистон вилоят тадбиркорлар палатасига мурожаат қилган тадбиркорлар ер захира-лари департаменти ва ҳокимликларнинг “Махсус комиссия” фаолиятини четлаб ўтиб, дарҳол судга мурожаат қилишган.

2025 йил бошидан буён вилоятда қишлоқ хўжалиги ерлари бўйича 133та даъво аризаси берилган. Уларнинг 87тасига суд қарори чиққан. Аммо бу даъволар “Махсус комиссия” томонидан кўриб чиқилмаган.

– Бу қарорга муносабатингиз қандай?

– Ушбу амалиёт тадбиркорларнинг қонуний манфаатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тадбиркор мақсадли равишда ер участкасидан фойдаланади, қишлоқни обод қилади, одамларга иш беради. Ва охир-оқибат... суд қарори билан “банкрот” бўлади. Бу – нотўғри.

– Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун фаолият юритиши лозим бўлган идоралар қандай ишларни бажармоқда?

– Биз бу йўналишдаги чигал масалаларни бир неча бор кўтариб, юқоридаги ваколатли идораларга етказганмиз. Натижада, 2024 йил 26 ноябрда ҚР Бош прокуратураси баҳсли ерларга нисбатан даъволарни тўхтатиш ва бу борадаги муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериш мақсадида минтақаларда “Махсус комиссиялар” тузиш тўғрисида махсус буйруқ чиқарди. Ҳуллас, ҚР Бош прокуратураси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2025 йил бошида ушбу комиссиялар ишини ташкил



этиш бўйича услубий тавсиялар ҳам тасдиқланди. Бундай комиссия Туркистон вилоятида ҳам тузилди (2024 йил охирида) ва жорий йилдан бошлаб фаол ишламоқда.

– Шу ўринда “Махсус комиссия” деган тушунчага тўхталсангиз. У қандай фаолият олиб боради?

– Ушбу комиссия Президент топшириғи билан ташкил этилди. Фаолияти беш босқичдан иборат: Ноқонуний берилган ерларни аниқлайди ва туман ҳокимлигига сўров йўллайди. Туманлардаги ҳокимликлар бу ерлардан қандай фойдаланаётганини текширади. Тўпланган маълумотларни комиссия йиғилишларида кўриб чиқади. Ердан фойдаланувчиларни мақсадли ва мақсадли бўлмаган фойдаланувчиларга бўлиш бўйича қарор қабул қилади. Ушбу қарор асосида суд даъво аризасини бериш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

– Лекин маҳаллий тадбиркорлар Палатага шикоят қилишда, судга мурожаат қилишда давом этмоқдалар. Нега махсус комиссияга эмас? Сабаби нимада?

– Бу ерда энг катта муаммо – баъзи ҳокимлик ва ваколатли идоралар томонидан белгиланган тартиб бузиляпти. Улар “Махсус комиссия” ҳулосасини кутмасдан судга юз тутиши оқибатида ҳалол тадбиркорлар жабр кўрмоқда. Энг ёмони, суд қарори чиққандан кейин уни қонуний тарзда бекор қилиб бўлмайди.

– Бу муаммога оид вилоятимиз бўйича қандай маълумотлар бор?

– Юқоридаги расмий жавобни яна такрорлайман. Тадбиркорлар Палатасининг сўровига биноан, 2025 йил 30 январдан 16 июнгача бўлган давр оралиғида Туркистон вилоятининг қишлоқ хўжалиги ерлари учун судларга 133 даъво аризаси берилди. Улардан 87тасига суд “қаноатлантирилди” ёки “кўриб чиқилмасдан қайтарилди”, деган қарорларни чиқарди, 46таси эса ҳали кўрилмоқда. Бироқ, ушбу судларга тақдим этилган материалларнинг ҳеч бирида ердан мақсадли фойдаланиляпти ёки фойдаланилмаяпти деган аниқ далиллар мавжуд эмас. Бундай муҳим маълумотни аниқлаш фақат ҳокимликлар ва янги тузилган махсус комиссия ваколатига кирлади.

– Комиссияга мурожаат қилиб, ундан ижобий натижа кўрган мисоллар борми?

– 2025 йил 26 июнда Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Нурбўл Турашбеков раислигида ўтган комиссиянинг биринчи йиғилишида 21та масала кўриб чиқилди. Ундан, 13таси бўйича деҳқон ердан мақсадли ва виждонан фойдалангани аниқланди. 3 нафар тадбиркор эса мақсадсиз фойдаланаётганлар рўйхатидан жой эгаллади. 5 нафар тадбиркорга нисбатан эса қўшимча текширувлар зарур деб топилди.

– Демак, ҳар бир тадбиркор “Махсус комиссия” орқали ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин экан-да?

– Албатта. Комиссиянинг асосий мақсади ҳам шу, адолат қарор топишига хизмат қилиш. Аммо, афсуски, қарор суд орқали қабул қилинганидан кейин, яъни, тадбиркор ўз ерини йўқотганидан кейин, қонун доирасида уни қайтариб бўлмайди. Шунинг учун биз масалани судгача бўлган босқичда, яъни комиссия орқали ҳал қилишни таклиф қиламиз. Шу боис, тадбиркор бевосита судга эмас, аввал жойлардаги комиссияга мурожаат қилсин.

– Шу ҳолатга тушиб қолган тадбиркорларга қандай ёрдам кўрсатилади?

– ҚР Тадбиркорлар Миллий палатаси, яъни “Атамекен” суд қарори билан ердан маҳрум бўлган, лекин ундан ҳақиқатда тўғри мақсадда фойдаланган, қишлоқ жойларда иш ўринлари яратиб, солиқ тўлаб келган тадбиркорлар масалаларини доим кўтариб келади. Ҳозирги кунда биз ушбу субъектларга ерни танлов орқали қайтаришда “дастлабки эгасига” ортиқча балл бериш механизминини жорий этишни таклиф қиламиз. Биз буни ҳалол тадбиркорни қўллаб-қувватлашнинг адолатли усули деб ҳисоблаймиз. Мабодо бу борада маслаҳат ёки шунга ўхшаш саволлар бўлса, Туркистон вилоят тадбиркорлар палатасига мурожаат қилиш мумкин. Манзил: Туркистон шаҳри, Қўжанов кўчаси, 42-уй. Колл-Марказ – 1432, 8 (72533) 5-98-98.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Н. МАВЛОНОВА.

ОҚСУВКЕНТДА ЭКОЛОГИК АКЦИЯ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев ташаббуси билан амалга ошириляётган “Тоза Қозоғистон” умумхалқ ҳаракати доирасидаги навбатдаги тадбир Сайрам туманининг Оқсувкент қишлоғи ҳудудида уюштирилди.



Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, туман ҳокими Арман Сабитовнинг қўллаб-қувватлаши билан ташкил этилган экологик тадбирга 200га яқин киши ва махсус техника жалб этилиб, “Манкент” шифохонаси ва “AZA” тиббий соғломлаштириш маркази ҳудудлари ободонлаштирилиб, яшил ҳудудлар тартибга келтирилди.

Тадбирда Сайрам туманидан сайланган барча даражадаги маслаҳат депутатлари, ҚХА қошидаги этномаданият бирлашмалари вакиллари, ёшлар ташкилотлари ва кўнгиллилар фаол иштирок этдилар.

З. АҲМАДЖОНОВ.

»» Обуначиларимиз орасида

“ҮЛЕС” – ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

200 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетаси обуначисига ҳомий, фаол жонқуяримиз Райимжон Қўчқоров ҳамроҳлигида Янги Иқон қишлоғига отландик. Ўтган асрда адиб Миртемир Турсунов билан ҳамкор ҳолда назм ва таржимада сермахсул ижод қилган Эргаш шоирнинг тўнғич ўғли Ўсар Неъматуллаев хонадонига ташриф буюрдик. Қишлоқ ўЗМБ раиси, фахрий устоз, обунада пешқадам Ўсар Неъматуллаев хонадони хўжалик қисмида рўй берган ёнгини оқибатларини бартараф этиш, қурилишга ёрдам тарзида Райимжон Қўчқоров “Үлес” жамоат жамғармасидан 100 минг тенге ёрдам берди.



– Янги Иқонда ёнгини рўй берган кўп хонадонларга “Үлес”дан ёрдам кўрсатдик. Ўсар Эргаш ўғли эл бирлиги, обуна, она тилимиз, маданиятимиз равнақи йўлида ҳолис меҳнати билан қатор йиллар бадалида таниляётган фахрий устоз. Ўтган йили умр йўлдоши, марҳума Тамара Карим қизи узоқ вақт оғир касал бўлиб, уни Тошкент шаҳрида даволаш осон кечмади. Ўсар ака

ги олис далада жойлашган, А. Яссавий даврига оид тарихий сағанани капитал таъмирлашни ташкил этишга отланди. “Туркистоннинг азиз қадамжолари” китобини янги маълумотлар билан тўлдириб, нашрдан чиқаришдек савоби мўл ишга ҳомийлиқни ҳам зиммасига олган Р. Қўчқоровга кўпчилиқ, хусусан, қорачиқлик ҳожи отахонлар – Жайфар Исмаатуллаев, Мирзахон

ракатлари билан қурувчилар 7 метрга 9 метр ҳажмдаги сағана томини янгилаб, тунука билан қопладилар, пойдевор ва девор ҳам таъмирланди. Қорачиқ, Югнак қишлоқлари ўЗМБ раислари Мирзахон Адҳамов, Жамшид Шарофиддинов ҳамда Жалил Абдуллаев номли мактаб директор ўринбосари Мирзо-Ферузбек Абдумутовлар “Үлес” раҳбари Райимжон Қўчқоров етакчилигида томи янгиланган сағана пойида ўтган кенгаш йиғилишида тарихий обида атрофини металл тўсиқ билан кўршаб, ободонлаштиришга кўпчилиқни жалб этиш масаласини муҳокама қилишди. Эл қорига камарбаста, халқ билан ҳамнафас, яқинда вилоят ҳокими ташаббуси билан хайрия йўлидаги самараси мўл фаолияти учун “Патриот–2025” номинацияси бўйича “Ташаккурнома” билан тақдирланган “Үлес” раҳбари Райимжон Қўчқоровга, барча ҳимматли юртдошларимизга мустаҳкам саломатлик, саодат ёр бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.



оғилхонасида биронта мол қолмабди. Ҳаммасини сотиб, умр йўлдоши саломатлиги йўлида сарфлаган экан. Кўмак кўрсатиш фарзимиз, – деди Райимжон Саттор ўғли.

Шу куни эрталаб “Үлес” раҳбари Қорачиқ қишлоғи ўЗМБ раиси Мирзахон Адҳамов ҳамроҳлигида Қўмтийин овулида-

Адҳамов, Қодир Аҳмедовлар дуо қилиб, ишларига омад тиланган эдилар.

Қишлоқ ўЗМБ раиси М. Адҳамов кудратли техникани чорлаб, янтоқзор орасида тепалиқда жойлашган сағанани йўл очиб, қурилиш ашёларини етказишга зарур шароитни яратиб берди. Қисқа фурсатда “Үлес” саяй-ҳа-

Тасвирларда: Р. Қўчқоров Янги Иқон ўЗМБ раиси Ў. Неъматуллаев хонадонига; Қорачиқ қишлоқ округи Қўмтийин бўлимидаги Яссавий даврига оид сағана пойида; Қорачиқдаги тарихий ёдгорлик биноси томи янгиланди.

Муаллиф ва Р. МАДАЛИЕВ тасвирлари.

Р.С. Қадрли юртдошлар. Эл қорига камарбаста, муҳтожларга уйлар қураётган, ўқувчиларга кийим-кечак улашяётган, қўллаб савобли ишлар бош-қошидаги вилоят “Үлес” хайрия жамоат жамғармасига ҳар жума куни 500-1000 тенге маблағини Р.Қўчқоровнинг 8 701 605 82 10 уяли телефони (ИИН: 650 225 300 880) каспий орқали йўллаб, хайрли ишларга ўз ҳиссангизни қўшсангиз, нур устига нур. Яхши ишлар бошида бирга бўлайлик.

>>> Обуначиларимиз орасида

ИШЧАН РАҲБАР ВА БОБОДЕҲҚОН

Туркистон шаҳридаги Э. Иззатуллаев номли мактабни устози Жондор Ҳазметов изидан бориб, самарали бошқарган собиқ ишчан раҳбар, маориф соҳасидаги ташкилотчилик, бунёдкорлик, ёш авлодга онгли тарбия ва теран билим бериш йўлидаги заҳматли меҳнатлари шаҳар, вилоят, республика, миқёсида муносиб тақдирланган, фахрий ҳордиқ ёшида шаҳар фахрийлар кенгаши аъзоси сифатида жамоат ишларида фаол ҳамда боғ яратиб, сархил медалар етиштираётган бободеҳқон Дадахон Алихон ўғли Жалилов 70 ёшни қаршиламоқда.



Д. Жалилов 1955 йили 28 июлда Туркистон туманига қарашли Бирлик қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Падали бузруквори Алихон Жалилов тажрибали деҳқон, қишлоқдаги аралаш моллар дўқонида сотувчи бўлиб ишлаган. Газетамиз саҳифаларида унинг ҳалол инсонларни мадҳ этган қатор мақолалари чоп этилган. Волидаи муҳтарамаси, қаҳрамон она Меҳринис ая фахрий колхозчи.

Дадахон Алихон ўғли Бирлик ўрта мактабиди ўқиди. Меҳнат фаолиятини донгдор “Победа” колхозиди бошлади. 1974-1979 йиллари улкан орзуси ушалиб, Тошкентдаги



иқтидорли шогирди Муҳаммадрасул Иззатуллаев муносиб давом эттирмоқда.

Дадахон Алихон ўғлининг кўп йиллик самарали меҳнатлари вилоят маориф бошқармаси томонидан “Услугияти ўқитувчи”, ҚР Таълим вазирлиги томонидан “Маориф аълочиси”, ҚР Президентининг Мустиқилликка 20 ва 30 йил медаллари, И. Алтинсарин, Қозоғистон педагогик академиясининг “Биринчи даражали ишчан раҳбар” ва “Директор – профессор” унвонларига сазовор бўлган. Д. Жалиловнинг кадрдон устози Жарқинбек Қулбайимбетов ушбу нуфузли мукофотларни тақдим этишга бағишланган тантанали

Алихон ўғли атоқли адиб Носир Фозилов ва шогирдлари билан мактабда учрашув ташкил этиб, Ўзбекистон ва Қозоғистонга бирдек кадрли қалам соҳибига теран иззат-икром кўрсатганлиги ибратли тарих. Бу – Носир Фозиловнинг ўзи туғилиб, ўсган кадрдон заминига сўнгги сафари эди.

Оила – муқаддас кўрғон. Умр йўлдоши, ўзи каби заҳматкаш устоз сифатида шогирдлар хурматини қозонган Зоҳида Жалилова билан икки ўғил, бир қиз тарбиялаб, вояга етказган. Тўнғич ўғли Муҳиддин ички ишлар органида подполковник даражасида меҳнат қилиб, нафақага чиққан. Бугунги кунда таниқли тадбиркор. Қизи Дилафрўз инг-



В. И. Ленин номидаги давлат университетининг физика факультетиди олий билим олди. Устозлик фаолиятини 1979 йили ўзи ўқиган Бирлик мактабиди бошлади. Шу кутлў даргоҳда 40 йил бадалида самарали меҳнат қилди. Ўқитувчиликдан директор лавозимигача бўлган заҳмати мўл пиллапояларни меҳнати, билими ва ташкилий қобилиятлари шарофати ила шараф ила босиб ўтди. Шу давр мобайнида кадрдон мактабиди жуда кўп тарихий бунёдкорлик ишлари амалга



оширилди. Мактабга пешқадам пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Иззатуллаев номи берилди. Ўқув даргоҳининг 70 йиллик юбилеи халқаро даражада ўтказилди. Мактаб тарихини мадҳ этувчи мукамал китоблар Тамара Анорбоева, Абдулла Шерметов каби заҳматкаш устозлар муаллифлигида яратилди. УВУ фахрийларига аталган ёдгорлик, 75 ўринли болалар боғчаси, спорт мажмуаси, иссиқхона бунёд этилиб, учта қудуқ қаздирилди.

Қаризликларнинг кўп йиллик

орзуси ушалиб, замонавий уч қаватли ўқув корпуси ҳам айнан Дадахон Алихон ўғли раҳбарлиги пайтида бунёд этилиб, фойдаланишга берилди. ЯМТ якунлари ва давлат тилини ўзлаштириш бўйича Э. Иззатуллаев номли мактаб кўп йиллар Туркистон шаҳри (шаҳар ва тумандаги 70дан зиёд мактаблар орасида) миқёсида пешқадам бўлганлиги “Жанубий Қозоғистон” газетаси саҳифаларида мунтазам ёритилган. Бугунги кунда собиқ Бирлик, ҳозирги Эргаш Иззатуллаев номли мактаб раҳбарлигини унинг

тадбирларда шахсан иштирок этиб, шогирдининг эришган ютуқларидан самимий фахрланганлигининг гувоҳи бўлганман. Эл бирлиги, она тилимиз, маданиятимиз равнақи йўлидаги фаоллиги Қозоғистон халқи Ассамблеяси таркибиди шаҳар, вилоят ҳамда республика ўзбек жамоа бирлашмаларининг нуфузли кўрак нишонлари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

“Жанубий Қозоғистон” газетасининг фаол жамоатчи обуначиларидан бўлган Дадахон

лиз тили ўқитувчиси, болалар боғчаси мудираси. Ўғли Сирожиддин мактабда инглиз тили ўқитувчиси.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Д. Жалилов; падали бузруквори Алихон ота; волидаи муҳтарамаси Меҳринис ая ва умр йўлдоши Зоҳида Жалилова билан; устози Жарқинбек Қулбайимбетов билан мукофот олиш чоғида; адиб Носир Фозилов билан мактабда ўтган файзли учрашув чоғида; кадрдон дўст ва улфатлари – газетамизнинг фаол обуначилари даврасида.

Намунали оилалар – Янги Қозоғистон тимсоли

**АСТАНАДА НАМУНАЛИ
ОИЛАЛАР САРАЛАНГАН
МИЛЛИЙ ТАНЛОВНИНГ
ҒОЛИБЛАРИ
АНИҚЛАНДИ**



Бугунги мураккаб ва тез ўзгараётган замонда одамзод ҳаётида энг муқаддас ва энг тафтли маскан – оила эканлигини тан олишимиз керак. Оила – инсоннинг бошпанаси, меҳр даргоҳи, ахлоқ ва маданият маскани. Аммо афсуски, сўнгги йилларда баъзи ёшларимиз ана шу муқаддас қасрнинг қадрига ета олмаётир. Бекорга эмас, охири пайтларда ёш оилалар орасида ажралишлар, можаролар, ҳатто жанжаллар ва жиноятлар сони кўпаймоқда.

Шу боисдан, Қозоғистонда оилавий қадриятларни тиклаш, ёшларга мустақкам оила қуришининг аҳамиятини англаш, уларни маънавий камолот сари етаклаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Улардан бири – ҳар йили ўтказиладиган ва эл-юрт орасида алоҳида эътибор қозонган «Мерейли отбасы» миллий танловидир.

ЮКСАК ЭЪТИРОФ – АҲИЛЛИККА, МЕҲНАТГА ВА ЮКСАК ФАЗИЛАТГА!

Жорий йил Астана шаҳрида пойтахт кунли муносабати билан ўтказилган ушбу танловнинг финал босқичи анчагина дабдабали ва шуқуҳли ўтди. Қадриятлар, аънаналар ва оилавий фазилатлар шодиёнасига айланган ушбу тадбирда турли номинациялар бўйича энг намунали 12 оила эътироф этилди.

Газетхонларимизга таниқли инсон, Астана шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Шерзод Пулатов оиласи 1-ўринни эгаллаб, ғолиб деб топилди.

«БУ БАЙРАМ ОИЛА АҲАМИЯТИНИ ЯНА БИР БОР АНГЛАТДИ»

Танлов ҳақида ўз фикрларини билдирган Шерзод Аббос ўғли шундай дейди:

– Биз аризамизни 15 май кунли туман комиссиясига топширдик. Танлов икки босқичда – туман ва вилоят миқёсида ўтказилди. Унда меҳнат, фан, спорт, маданият ва ижтимоий фаоллик борасида фаол бўлган оилалар иштирок этди. Бизнинг оиламизга қаратилган эътибор ва юксак баҳони Қозоғистондаги барча ўзбек оилаларига берилган муносиб баҳо, деб биламан.

Дарҳақиқат, бу байрам нафақат ғолибларга, балки бутун жамиятга оилавий ҳаётнинг чинакам кадр қимматини намоён этди. Чунки оила – нафақат шахсий масала, балки жамиятнинг, миллатнинг, давлатнинг келажагини шакллантирадиган устувор институтдир.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР – ОИЛАЛАРИМИЗГА ТАҲДИДМИ?

Бугунги кунда энг катта хатарлардан бири – оилаларимизнинг ичига кириб келаётган манфаатсиз, ёт ва бузғунчи ғоялардир. Ижтимоий тармоқларда нафақат оилавий урф-одатларимизга зид тасвирлар, балки миллий аънаналаримизни инкор этувчи ғоялар тарқалмоқда.

Бу каби воқеликлар ёшларнинг онгини захарламоқда, оилаларнинг емирилишига, болаларнинг руҳий изтиробга тушишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам оилавий қадриятларни тарғиб қилиш бугунги кунда маънавий курашнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

ХУЛОСА ЎРНИДА...

Оила – бу муаззам сарой. Унинг деворлари меҳр, муҳаббат ва ўзаро ҳурмат руҳи билан барпо этилса, устуни фазилат билан мустақкамланса, пойдевори эса маърифат билан қотирилса – ушбу кошонани ҳеч қандай бўрон емиролмайди. Бундай муқаддас даргоҳларни кўпайтириш учун жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси – таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва албатта, ота-оналар ҳам-жиҳатлиқда ҳаракат қилишлари лозим.

Бугун тан оламизки, Шерзод Пулатов каби инсонлар раҳбарлик қилаётган оилалар – биз учун ҳаётий мактаб, юксак тарбия намунаси.

Ғолибларга табрикларимизни изҳор этами!

Н. МАВЛОНОВА.

Р.С. “Жанубий Қозоғистон” газетасининг 34 йиллик жамоатчи обуначиси, нафақа ёшида ҳам барча фарзандлари, невараларини кадрдон нашрга обун қилдириб, ибрат кўрсатаётган фидойи ҳамюртимиз, гайрат ила сархил медаллар етиштириб, юрт дастурхонига тортиқ этаётган химматли моҳир бободеҳқон Дадахон Алихон ўғлини оиласи, фарзандлари, неваралари, шогирдлари, қариндош-уруғлари 70 ёш шодиёнаси ила муборакбод этиб, мустақкам саломатлик, янги зафарлар тилайди. “Жанубий Қозоғистон” тахририяти, Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган Туркистон вилояти, Қурбонбой Ирисбеков раҳбарлик қилаётган Саврон тумани ҳамда Райимжон Қўчқоров бошчилигидаги Туркистон шаҳар ЎЗМБ бошқаруви ҳам ушбу эзгу ниятлар ижобатига тилақдош.

Директор – Бош муҳаррир учун Муроджон АБУБАКИРОВ.		Масъул шахслар:		Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.		МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. +7778-618-39-05. Электрон почта: janubiy@inbox.ru	
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҒОНБОВ.		Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22 Қазигурт – Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42 Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулқибой – Мунира САЎДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71 Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97 Келес, Саригонч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82 Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97		● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, редакция ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.		Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VРУ00022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.		Қозоғистон Республикасида тарқатилади.		Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10500 нуска.		Бюджет 1579. Навбатчи муҳаррир: Хуршид ҚҮЧҚОРОВ.	